

# Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

1974-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan

2026-yil 7-may, payshanba

19 (9391)

t.me/Qishloqhayoti\_gazetasi

## ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИ ҚИШЛОҚ ҲАЁТИНИ ҚАНДАЙ ЎЗГАРТИРМОҚДА?

Бугунги глобал ўзгаришлар шароитида тараққиёт фақат йирик шаҳарлар билан чегараланиб қолмаяпти. Аксинча, иқтисодий барқарорлик, ижтимоий мувозанат ва миллий хавфсизлик каби устувор вазифаларни таъминлашда қишлоқ ҳудудлари ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Шу маънода қишлоқ энди орқадаги фон эмас, балки тараққиётнинг янги нуқтаси сифатида намоён бўлаётгани айни ҳақиқат.

Қишлоқ ҳудудларига назар солинганда, ички туризмни ривожлантириш, хунармандчилик, ўз-ўзини банд қилиш хуллас, хизматлар соҳаларининг барча бўғинларида ижобий юксалишлар бўлаётганини кўрамиз. Олис ҳудудлар миллий тараққиёт архитектурасида стратегик ўрин эгалламоқда.

Сўнги йилларда давлат сиёсатининг устувор йўналишлари айнан шу маконга қаратилиб, ҳудудий ривожланиш концепцияси қайта кўриб чиқиётгани натижа-сида, обод маҳалла, маҳаллабай ва тараққиётга дахлдор дастурлар орқали кундан кунга ривожланиш сари юз тутиб бораётганига гувоҳ бўлаёмиз. “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш” йилида устувор йўналишлар бўйича ислохотлар дастурлари ва “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича давлат дастурлари ҳам қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш бўйича алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Янги Ўзбекистон тараққиёти йўлида олиб борилаётган институционал ислохотлар ва ҳудудий тараққиётнинг янги модели қишлоқлар қиё-фасида намоён бўлмоқда. Бу қувонarli хол, албатта. Ушбу жараёнларни кузатар экан-сиз, қишлоқ энди фақат аграр ҳудуд сифатида эмас, балки иқтисодий ўсиш, ижтимоий барқарорлик ва сиёсий интеграция маркази сифатида талқин этилаётганини кўриб, севинаясиз. Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш

йўналишида қабул қилинган қарорлар қишлоқ ҳудудларида таълим ва тиббиёт хизматлари сифатини оширишга хизмат қилаётганлиги бор гап.

Хусусан, Президентимизнинг 2017 йил 30 сентябрдаги қарорига мувофиқ, мактабгача таълим тизимини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Билимга йўналтирилган сармоя давлат тараққиётининг асосини ташкил этади. Таълим тизимини таҳлил этадиган бўлсак, 2017 йилда мактабгача таълим билан қамров 27 фоизни ташкил қилган бўлса, 2023 йилга келиб бу кўрсаткич 70 фоиздан ошди. Бу эса қишлоқ жойларда болаларни эрта таълим билан қамраб олиш имкониятлари сезиларли даражада кенгайганини кўрсатади.

Умумий ўрта таълим соҳасида ҳам тизимли ўзгаришлар кузатилмоқда. Жумладан, 2018-2023 йиллар давомида мингдан ортиқ мактаблар қурилди ва реконструкция қилинди, мавжуд таълим муассасалари замонавий жиҳозлар билан таъминланди.

Фуқароларнинг соғлиғини асраш давлат сиёсатининг устувор масалаларидан бири. Соғлиқни сақлаш соҳасида эса қишлоқ тиббиёт пунктлари ва оилавий поликлиникаларни модернизация қилиш орқали аҳолига яқин ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш тизими шакллантирилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)



НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Хушхабар



## ТўРАҚЎРҒОНДА БИРИНЧИЛАРДАН БЎЛИБ ПИЛЛА ТЕРИМИГА КИРИШИЛДИ

**Пиллачиликда ўзига хос тажриба мактабини яратган тўрақўрғонликлар ҳар йили нафақат вилоятда, балки республикада ҳам зиммаларидаги мажбуриятни ортиғи билан бажариб, илғорлар сафиди борадилар.**

Туманда бу йил 3823 қути ипак курти боқиб, 229 тонна пилла топшириш режалаштирилган. Айниқса, бу йил пиллакорлар меҳнатини қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳосилнинг ҳар килограммига 40 минг сўмдан ҳақ тўлаш ва 15 фоиз субсидия бериш, қурт парваришлайдиган хонадонларни мавсумга тайёрлаш учун 20 миллион сўмгача ссуда маблағлари ажратилиш кўзда тутилгани пиллакорларда катта қизиқиш уйғотди.

Ахси маҳалласида яшовчи Дилобар Эсонова ҳамда яна иккита хонадонда парваришланган ипак курти пилласини териш бошланди. Илғор пиллакор хонадонига туман ҳоқими Шерали Қосимов, нуронийлар бориб, хирмонга барака тилашди ва совғалар тақдим этилди.

Зоҳидаҳон КЕНЖАЕВА,  
Тўрақўрғон тумани ҳоқимлиги ахборот хизмати раҳбари.

Мамлакат тараққиёти, иқтисодиётнинг барқарор ўсиши ва қишлоқ ҳўжалиги соҳасининг рақобатбардош ривожланиши, аввало, билимли, ташаббускор ҳамда замонавий фикрлайдиган ёш кадрлар салоҳиятига бевосита боғлиқ. Айниқса, аграр соҳада тахсил олаётган ёшларнинг назарий билимлари, амалий кўникмалари ва инновацион фоялари юртимиз озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, замонавий технологияларни жорий этиш ҳамда тармоқ самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутди.



## ЁШЛАР ОРЗУСИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРАДИГАН ҚАРОР

Шу жиҳатдан, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб таълим муҳити яратиш ва иқтидорини рўёбга чиқариш бугунги давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, Президентимизнинг жорий йил 11 апрелдаги “Тошкент давлат

аграр университети фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори аграр таълим тизимини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган муҳим стратегик ҳужжат сифатида алоҳида аҳамият касб этади.

(Давоми 2-саҳифада)

## ЎЗБЕКISTON – ТУРКИЯ: ҲАМКОРЛИК СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛДИ

Сенатнинг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси, “Ўзбекистон – Туркия” парламентлараро ҳамкорлик гуруҳи ҳамраиси Алишер Аъзамхўжаев Туркия Республикаси “Буюк Бирлик” партияси раиси Мустафо Дестижидан учрашди.

Учрашувда икки мамлакат ўртасида парламентлараро, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.


Икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси ва ўзаро ишончга асосланган алоқалари натижасида Ўзбекистон – Туркия ҳамкорлиги стратегик шериклик даражасига кўтарилгани қайд этилди. Кейинги йилларда дўстона алоқалар, шу

жумладан, парламентлараро мулоқот барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётган. Парламентлараро ҳамкорликни янада фаоллаштириш, жорий йил апрель ойида Истанбул шаҳрида Олий Мажлис Сенати ва Туркия Буюк Миллат Мажлиси ўртасида имзоланган “2026-2027 йилларга мўлжалланган “Йўл харитаси” бандларини бажаришда ҳамкорлик қилишга келишилди.

Норгул АБДУРАИМОВА,  
ЎЗА муҳбири.

## 9 май – Хотира ва қадрлаш куни

Мақтабда ўқиб юрган кезларимиз, яъни 80-йиллар 9 май келди дегунча уруш катнашчилари қаторида бобом – Абдуллоҳон Саидов ҳам совхоз идораси ташкил қиладиган тадбирларга чакирлар, биз митти ўқувчилар уларга шеърлар ўқиб берар, юқори синф ўқувчилари саҳналар кўйиб беришарди. Албатта, даврада кўр тўқиб ўтирган, жангоҳлардан омон қайтганлар орасида бобомиз борлигидан фахрланардик.



## БОБОМ – САБРУ МАТОНАТ ТИМСОЛИ

Бобом 1910 йилда Самарқанд вилояти Тойлоқ туманидаги Шопўлат қишлоғида туғилган эканлар. Оталари Абдувоҳидхон (халқ ичида Бойхон бобо деб танилган), боболари Абдуқодирхон ўз даврининг зиёлиларидан бўлган эканлар. Катта боболари Шокирхон эса Самарқанд мадрасаларидан бирида мударрислик қилганлиги ва Туркистоннинг, хусусан, Самарқанднинг чор Россияси босқини оқибатида юрт зиёлиларини асраш мақсадида бошқа мударрислар қаторида мадрасага тегишли вақф ерларга кўчирилганлиги ҳақидаги маълумот авлод-

дан авлодга оғзаки ўтиб келмоқда. Жадидлар ҳаракати даврида яшаб, фаол бўлган бобоси Абдуқодирхон ҳақида кўп маълумот йўқ. Бир хабар шулки, Абдуқодирхон паҳсадан курдирган эни уч ярим метр, узунлиги саккиз метрлик дарвозахона, унга уланиб кетган яна саккиз метрлик сайисхона қолган. Унда меҳмонлар, от-уловлари сақланган. Яқин-яқингача эса унинг ёнида қурилган дарвозахонага қараган эни олти, узунлиги саккиз метр бўлган меҳмонхона бўларди. Ана шу меҳмонхонада Самарқанддан Ургутга қатнайдиған

зиёлиларнинг гаштаклари ва меҳмондорчиликлари ўтказилган, жадидлар чоп этган газеталарнинг мутолааси, муҳокамалари бўлиб турган.

### “Қулоқнинг боласи”

1917 йилги Октябрь тўнтаридан сўнг большевиклар ҳукумати барча ерлар ва мол-мулкларни давлат назоратига ола бошлаган. Бугун очилган тарихдан маълумки, қулоқ деб топилган одамларнинг ер-мулки ва мол-ҳоли тортиб олиниб, қолхозга мажбурий кўшилган, ўзлари эса Сибир

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## РАҲМОНКУЛОВ САИДАҚБАРНИ “МЕҲНАТ ШУҲРАТИ” ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалиги соҳасини илғор инновациялар ва замонавий илм-фан ютуқлари асосида ривожлантириш борасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, хусусан, пахтачилик йўналишида муҳим тадқиқотларни амалга ошириб, янги навларни яратиш, тупроқ унумдорлигини яхшилаш, мўл ва сифатли ҳосил етиштириш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, иқтидорли ёш олимларни тайёрлаш, навқирон авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш йўлидаги ибратли фаолияти ҳамда таваллудининг 90 йиллиги муносабати билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг гўза физиологияси ва биокимёси лабораторияси муdiri Раҳмонкулов Саидақбар “Меҳнат шухрати” ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ  
Тошкент шаҳри,  
2026 йил 5 май

ЎЗБЕКISTONДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИ ХОДИМИ, ЎЗҚҲФА АЪЗОСИ, БИОЛОГИЯ ФАНАРИ ДОКТОРИ, ПРОФЕССОР

## САИДАҚБАР РАҲМОНКУЛОВ 90 ЁШДА

Устоз экологик муаммоларнинг юзага келиши оқибатида гўзанинг янги навларини яратишда физиологик-биокимёвий услубларни гўза селекциясида қўллаш, гўза чигити мағзида мой ишқорини селекция йўли билан ошириш ва оксил моддасидан маркер сифатида фойдаланиш борасида кенг миқёсдаги тадқиқотларни шоғирдлари билан амалга оширганлар.

Шу билан бир қаторда, юқори ҳарорат ва гарселма бардошли гўза навларини яратиш борасидаги изланишларни амалга ошириб, бу борада катта ютуқларга эришиб келмоқда. Умр мазмунини ўз вақтида англаб етган олим юртимиз ва чет элларда танилди, ўзининг мактабини ярата олди. Олим раҳбарлигида ўтказилган тадқиқотлар билан гўза гетерозис физиологиясининг асосчилари қаторига кирди. Чигит мейдорлигини органолептик аниқлаш усули ишлаб чиқилди, эмбриокультуралар асосида гўзанинг узоқ турларнинг қимматли белгилари маданий навларга олиб ўтилди ва бошқа ноёб тадқиқотлар ўтказилди.

(Давоми 2-саҳифада)



Суратда ўтирганлар: ундан чапга иккинчи (пилоткада Абдуллоҳон Саидов)

(Давоми 3-саҳифада)



“Ўзинг зулм кўрган бўлсанг-да, киндик қонинг тўкилган жой тортаверар экан...”

# БОБОМ – САБРУ МАТОНАТ ТИМСОЛИ

(Боши 1-саҳифада)

Ана шундай тавқи лаънат ис- канжасида қолмаслик учун ёш йигит Абдуллохоннинг ҳужжати- дан отаси Абдувоҳидхон ва бобоси Абдуқодирхон номлари ўчирилиб, катта авлодлардан бирининг номи Саидов фамилияси тиркалган. Ҳуж- жатдаги бу ўзгаришларни кири- тишда совет идорасида ишлайдиган ва болшевиклар сиёсати моҳияти- даги босқинчиликни биров тушун- ган кишилар “Бойхон бобо ҳурмати учун” ёрдам беришганлиги оилами аъзоларининг хотираларида сақла- нади. Сулоланинг муҳр босилган шажараси эса қишлоқ қабристон- ига кўмилган.

Бирок сургун пайти келгунча уни Иккинчи жаҳон уруши кутиб турганди.

## “ХАЛҚ ДУШМАНИ БОЛАСИ” ТАМҒАСИ БИЛАН ФРОНТНИНГ ОЛДИНГИ ЧИЗИҒИГА

Отнинг устиди туриб бемалол қилич ўйната оладиган ўттиз бир яшар навқиронни негадир уруш- ни унинг иккинчи йилида аскарликка чақирди. Хизматга киришганда негалгини тушуниб ҳам етди. Фа- милиясини Саидовга ўзгартирган бўлса-да, барча сайид, хўжалар каби барибир назоратга олинган экан. Ростдан ҳам турли баҳона- лар билан тез-тез тафтишлар ўт- казиб турилган. Қолаверса, ўша замоннинг қаттол даврида ҳам бу хонадонда азоннинг саси ўч- маган. Оиланинг ёши улуглари ислом арқонларини бажаршдан тўхтамаган. Хуллас, уни фронт- нинг олд қисмида асосий қўшин ҳужуми учун йўл очадиган, кўприк- ларни таъмирлайдиган, ҳарб ти- лида муҳандислик, халқ қилида эса “стройбат”, дея талқин қилинади- ган ҳарбий қисмга йўналтирилади.



Суратда: гагираётган отахон Абдуллохон Саидов

душман снаряди сабаб ёнаётган тепачадан нималардир юмалаб тушгандек бўлди. Аллоҳдан уруш- нинг тезроқ тугашини сўраб фотиҳа қилиб ўрнимдан турдим-да, тутун ғира-ширасида ўша нимадир қи- мирлаган томон юрдим. Яратган- нинг иноятини қарангки, снаряд портлаганда бир қоп картошка ту- проққа аралашиб олов остида қол- ган, уст қисмидаги картошка биров куйган, лекин аксариси пишиб ту- рибди! Бир идиш топиб картошка- ларни солиб эрталабки нонуштада бўлима аскарларнинг қоринни тўйдирганмиз. Албатта, кўмондон қалқон вазифини бажарган. Бу бобомнинг, яъни “халқ душмани боласи”нинг биринчи тўсиқ сифа- тида ишлатилганини кўрсатади. Бирок қилинган ибодатлар, намоз охирида Аллоҳдан сўралган дуолар, қолаверса, падабирбузруквор дуо- си уни кўп балолардан асрагани аёнки, у урушни тутатиб, соғ-омон ўйла қайтади. Биз, набираларга эса айтиб берган бир-икки воқеалар- нинг мағнафат тасмасига ёзиб олган эканмизки, у бобомиздан хо- тира бўлиб қолди.

### ФЕРМА МУДИРИ

Иккинчи жаҳон урушидан кей- инги тилканиш йилларида колхоз тизимида унга ферма мудирлигини топиришди. – Урушдан кейинги қишлоқ ҳаёти, айниқса, сўт-қорамолчилик фермасига мудир бўлиш раҳбар- ликдан ташқари назоратчилик, вақти келганда, оддий ишчи каби қора меҳнат қиладиган вазифа эди. Фермада иш тонг отмасдан бошланар, бутун қишлоқ уйқуда бўлган палладаёқ сўт соғувчилар- нинг ишини текшириб чиқардим. Сигирларнинг ҳар бири назорат- да, сутнинг ҳар бир литри ҳисоб- ли эди. Кейин қисқача йилишда ҳамма ишлар бирма-бир муҳокма қилинарди. Жавобгарлик катта, талаб қаттиқ: режа бажарилмаса, жазо олишини тайин. Шунинг учун ҳам 24 соатлик масъулият билан ишлаганмиз, яшаганмиз. Тўғри, бу юмушлар урушдаги хатар, ма- шаққат олдида ҳеч нарса эмас эди. Мол-қўйларнинг саногини ошғач эса қўшимча ем-хашаққа эҳтиёж тўғил- ди. Шунда колхозимизга Ғаллаорол туманидаги тоғолди қирлари йи- ловларидан фойдаланиш учун жой берилди. Менга мол-қўйларнинг бир қисмини ўша томонга хайдаш топшириги берилди. У ерда яшаш учун шароит йўқ, уч-тўртта эски ташландиқ уй бор экан. Ҳафтасига бир марта Сабрик қишлоғига отда

жума намозини ўқиш учун чиқши- ни ҳисобга олмаганда қолган пайт қирдамиз. Сув чекланган, тоғолди ва ярим чўл ҳудудлар. Ёзда иссиқ, қишда совуқ, ёғингарчилик нисба- тан кам. Шундай бўлса-да, худо бе- раман, деса берар экан. Бир неча йилдан кейин қишлоққа қайтишга руҳсат бўлди, лекин эски иш жойим – фермадаги ишлар ўлда-жўлда, та- лон-торож бўлганлиги ҳам сезилиб турибди. Жавоб берадиган одам йўқ. Соғлигимни баҳона қилиб, ишладан ўзимни четга олдим... Раис учинчи бора чақирғач, яна шу баҳонани рўқча қилганимда жажл билан буйрқ берди: “Агар ишламасанг, 24 соатда қишлоқдан чиқиб кет”. Раис билан тортишиб бўлмасди. Шу боис, икки-уч кўрпа- чани олиб, оила билан қишлоқдан чиқиб кетишга мажбур бўлдим”.

### СУРГУН

1950-йиллар эди... Тақдир Абдуллохон Саидовни Тошкент ви- лояти Оққўрғон туманининг чекка ҳудудларидан бири – Элтамғали қишлоғига элтиб ташлади. Сирдарё бўйларига яқин ҳудудларда жой- лашган қишлоқларда деҳқончилик, айниқса, пахтачилик аста-секин устун йўналишга айланиб борар- ди. Аммо Элтамғали каби қиш- лоқларда ҳаёт фақат пахта билан чекланмаган. Бу ерда чорвачилик, сабзавотчилик ва аҳолининг шах- сий томорқа хўжалиги ҳам муҳим ўрин тутарди. Чунки колхоз тизими одамларни тўлиқ таъминлай олмас, улар ўз тирикчилигини кўпинча шахсий меҳнати билан қўллаб-қув- ватларди.

“Қишлоқдаги ҳаёт энгил эмас- ди. Колхоз тизими бўлганлиги боис аҳоли меҳнат ва давлат режаси- га боғлиқ ҳолда ҳаёт кечирарди. Аллоҳга таваккал қилиб иш бо- шладик. Раис пахтачиликдан ор- тиб чорвачилик, паррандачилик, узумчилик, сабзавотчиликни орзу қилиб юрган экан, бизга шу йўна- лишда жой ажратди. Ерга меҳр берсанг, у ҳам сени сийлайди, дей- дилар. Бир узумлар, олма, анорлар етидиги, қорамоллар серқаймоқ сўт, паррандалар тинимсиз туҳум берган денг. Икки-уч йилда барча йўналишларда режалар удаланиб, раиснинг мақтовларини эшитишга муваффақ бўлдим.”

### СТАЛИННИНГ ЎЛИМИ

“Юртда биров илиқлик кузатил- ган бўлса-да, Самарқанддан бизни бадарга қилган раис ҳукми Сталин- нинг қазосидан кейин ҳам яна 3-4 йил даврини сурди. У лавозимдан бўшагачина қишлоққа қайтиш им- кони туғилди. Оққўрғондаги меҳр бериб яратилган боғу роғлар, узум- зорларни тарқ этиш осон бўлмади,

лекин ота-бобонг, ўзинг зулм кўр- ган бўлсанг-да, киндик қонинг тўкилган жой тортаверар экан...”. Бобомнинг сўзлари моҳияти- ни бугун ҳар ким ҳар хил тушунар, аммо унда ҳақиқат бор эди. Айни фурсатнинг кўзи билан қараб, соч- ларим оқарганини ҳисобга олиб ху- лоса қиладиган бўлсам, бобом жуда меҳрли, сабрли, матонатли инсон, ер билан тиллашадиган заҳматқаш деҳқону тоғбон, бетакрор чорва- дор, кези келганда раҳбар бўлган- ларига иймон келтирмоқдаман.

### БОБОУСТОЗ

Биз тугилиб, ўзимизни таний бoshлаганимизда бобом нафақда эдилар. Лекин 50 сотихча келади- ган икки ўғил ҳовлисидаги деҳқон- чилик, узумчилик, боғдорчилик ва чорвачилик ишларига ўзлари бош бўлганларини биз набиралар кўр- ганмиз, қаватларига кириб топши- риқларини бажариш асносида ўр- ганганмиз ҳам. Шундай бўлса-да, ул зотнинг сўнгги нафасларига қил- ган бир ишларини ёки олий қўш деб билдим. Қишлоққа қишлоқ юриб, Қуръони карим бўладими, ҳафтиякми, эски ўзбек ёзувидаги алифболар, чоркитоб, жангнома, Машраб, Ясавий, Сўфи Оллоёр ва бошқа муаллифларнинг йиртилган, титилган китобларини йиғиб, ямаб, тузатиб, йўқолган вароқларини қайта тиклаб, керак бўлса қўлда ёзиб, жойига тикиб-ёпиштириб яна ҳаётга қайтарар эдилар. Албатта, китоб вароқларига мос қозғалар, ёпиштириш учун қўлда тайёрлана- диган елимлар ашёларини бозор- лардан қидириб топиб келардилар. Бобом қўллари теккан ўша кито- бларнинг баъзилари кутубхонамда сақланади.

Киш кунлари ҳафтанинг ҳар яқшанбасида бобомиз номидан кечкурун биз, набиралар учун ош дамланарди. Паловхонтўра тановул қилиниб, дастурхонга фотиҳа ўқил- ган, аввало, тарбия ҳақида икки оғиз тавасил хикоя ва насихат- лар, машрабхонлик, ясавийхонлик бўлар, кейин эса бир соат мобоён- нида араб алифбоси дарси ташкил этиларди. Албатта, тарбиячи ҳам, китобхон ҳам, муаллим ҳам бобо- миз бўлардилар.

Меҳмонхонамиздан меҳмон узилмасди. Бу ёғи Бухоро, бу то- мони Сурхондæ, ҳатто, кунчиқар тараф Тожикистондан одамларнинг оёғи узилмасди. Уларнинг аксария- тини танимайман. Кейин билсам, бобом ҳам танимас эканлар. Унинг ҳақиқатини кейинроқ билдим. Ур- гутта йўли тушганлар кеч қолса, йўл-йўлакай бизнинг уйимизда меҳмон бўлиб ўтар экан. Албатта, имкон доирасида меҳмондорчилик ҳам қилинарди. Баъзи меҳмонлар ҳафталаб, оилаб қолиб кетардилар. Бу иш эса оиламизга халақит бер- майди, десақ хато бўларди. Бобом бағрикенг инсон эдилар, бу хилсат бобокалонлардан ўтиб келаётган- ларига ҳақида юқорида айтган эдим. Бу одат умрларининг охиригача сақланди ва боқий дунёга ўтганлар- идан кейин ҳам у кишини йўқлаб, бир неча йиллар одамлар келиб турди...

Бобомнинг хилсатларини қан- ча санасам шунча кам. Мен учун бобом – сабр ва матонат тимсоли!

Хулосам шулки, урушда катнаш- ган ва фронт ортида машаққат чекиб, жонини фидо қилган бо- бо-момларимизнинг охирашлари овод бўлсин! Беқарор, тўлғонаётган дунёимизда тинчлик ўз ҳукмронли- гини ўрнатсин!

Ҳалим САИД,

“Олтин қалам”

миллий мукофоти соғиндор.

Афсус, кунда-кунора йўлларда аянчли автохалокатлар содир бўлмоқда. Барчаси йўл ҳаракати қоидаларини билмаслик ва унга риоя қилмаслик, ҳайдовчилик одоби етишмаслигидан келиб чиқади. Холбуки, уллова юрган киши ўзини ва ўзгаларни хатарга кўймаслиги зарур.

## ҚОИДАБУЗАРЛИК – ЎЗГАНИНГ ҲАҚИГА ХИЁНАТ

Жумҳур уламолар йўл ҳаракати қоидаларига амал қилиш вожиб эканини таъкидлашади. Чунки бундан ҳаммининг фойда- си кўзланади. Шаръий қоидаларга кўра, ҳайдовчи ўзгаларнинг жони, молига етказган зарари учун жавобгар бўлади. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: “Тилдан ва қўлидан мусулмон- ларга зарари етмайдиган киши ҳақиқий мусулмондир”, деб бизга таълим берганлар (Имом Бухорий ривояти). Ҳайдовчи машинаси билан содир бўладиган ҳар бир ҳодисага масъулдир. Чунки машина ўз-ўзидан ҳаракатланмайди, балки уни ҳайдов- чи бошқаради. Мўмин-мусулмонлар кузатув камералари ёки йўл-патруль хизмати инспектори кузатиб тургани учун эмас, балки ҳар бир ишимиздан хабардор бўлиб турган зот кўриб тургани ва шариатимиз талаб қилгани боис йўл ҳаракати қоидалари ва одобларига риоя қилишлари лозим. Аксинча иш тутиш эса, бошқа бир йўловчининг ҳақини пойма қилиш ҳисобланади.

Ачинарлиси, кўплаб бахтсиз ҳодисаларга ҳайдовчиларнинг шовша-шошарлиги ва пиёдаларнинг эҳтиётсизлиги сабаб бўл- моқда. Оқибатда қанчадан-қанча одам жараҳат олиб, бай-мажруҳ бўлиб қолмоқда, энг ёмони, кимлардир ҳаётдан кўз юммоқда. Шу боис автомобиль бошқараётган киши аёллар, ёши катталар, болалар ва ногиронлар йўлни кесиб ўтаётганда кутиб туришлари зарур. Ўз навбатида, пиёдалардан ҳам йўл ҳаракати қоидаларига амал қилишлари талаб этилади. Йўлнинг қатнов қисмидан ўтиш, шунингдек, пиёдалар ўтиш жойларида кетаётган- да телефонда гаплашиш, расм ва видео кўриш, кулоқчин тақиб, мусиқа эшитиш, китоб ёки газета-журнал ўқиш ҳамда эйтиборни чалғитишдан бошқа электрон воситалардан фойдаланиш мутлақо ман этилади. Кўчадан ўтиш ёки унда тўхтаб туриш ҳақи – умумий. Бунда ўзинга ҳам, ўзгага ҳам зарар бермаслик шарт.

Динимиз мўмин-мусулмонларни бир-бирлари билан чирой- ли муомалада бўлишга буоради. Аммо йўлларда бунинг аксига дуч келамиз. Ҳайдовчиларнинг бир-бирларини ҳақоратлаши, ёқалашини одатий ҳолга айланган.

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: “Йўлнинг ҳақи – кўзни тийиш, азият бермаслик, саломга алик олиш, яхшиликка буориш ва ёмонликдан қайтариш”, дедилар. Ҳадиси шарифдаги “азият” сўзининг маъноси кенг. Жумладан, ўзгаларга тил билан озор етказиш ҳам. Маълумки, бировни ҳақоратлаш мусулмон- лик одобларига зид. Зеро, Набий алайҳиссалом бундай деган- лар: “Мусулмонни сўқши фосиқлик, у билан уришиш қуфрdir” (Муттафақун алайҳи).

Киши йўлда экан, ушбу тўрт одобни доим эсда тутиш зарур: йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя этиш, йўлда юриш одоб- ларини сўзсиз бажариш, бир-бирларига ҳурмат ва бағрикенглик билан муомала қилиш, Ўзи яхши кўрган нарсани ўзгаларга ҳам раво кўриш. Бугун кўпчилигимизнинг автомобилимиз бор. Бу эса фарзандларимизга машина бошқариш маҳоратини, йўл ҳа- ракати қоидаларини пухта ўргатишни, бу борада ўрнатилган тақозо этади. Эсдан чиқармайлик, ушбу масалага энгил-елпи қараш афсусларга сабаб бўлиши мумкин.

Мухаммадшоқир БОБОХЎЖАЕВ,

Норин туманидаги Умархўжа эшон жомеъ масжиди имом хатиби.



### ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

## УМРИНИ ҲИҚМАТГА ТЎЛДИРГАН УСТОЗ

Бугун табарруқ саксон ёшини қарши олаётган Назира Раҳимова баъзан бутун умрини илм- маърифатга бағишлаган заҳматкуш педагоглардан. Унинг меҳнати самараси сифатида етиштирган ҳар бир шогирди бугун улкан бир бонги эслатади.

Назира Раҳимова Шовот туманидаги 46-мактабни та- момлаб, бир муддат колхозда меҳнат қилади. 1967 йили Хива педагогика техникуминин, 1970 йили Урганч давлат универси- тетини сиртки бўлимида туга- тиб, меҳнат фаолиятини ўзи таълим олган мактабда тарих

фани ўқитувчиси сифатида бошлади. Кейинчалик ту- мандаги 42-умумий ўрта таъ- лим мактабиди ҳам самарали таълим олиб бориб, минглаб шогирдларни тарбиялаган, тажрибали ва моҳир педагог сифатида эл-юрт хурматиға сазовор бўлган. – Ёшлигимдан китоб ўқиш- га, аждодларимиз меросини ўрганишга қизиқардим. Айниқса, тарих фанини ўр- ганиш ва уни ёшларга етказиш

манинг энг сеvimли машғу- лотимга айланди. 35 йиллик меҳнат фаолиятим давомида шу орзуларимга эришдим. Ўқувчиларим сонини аниқ билмайман, аммо уларнинг ютуқлари менга беқияс қувонч бағишлайди.

Баъзан дарсга тайёрланма- ган ўқувчиларга конфет бериб, уларни рағбатлантирардим. Улар эса қувониб ўқишарди. Бу- гун эса шу ўқувчилар ҳаётда ўз ўрнини топган, жамиятда фол иштирок этаётган етук инсон- ларга айланган, – дейди устоз.

Назира опа билан суҳбат- лашган инсон беихтиёр усто- здан илҳом олади, ҳаётий са- доқлар чиқаради, янада кўпроқ билим олишга интилади.

Асадул ЮСУФ, Ўзбеки ЮСАНИ

### Эълонлар

04-01/22592 рақами билан 2006 йил 12 июлда Султанов Рамазан Сулейманович номига берилган хонадонга эғалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордерининг 2013 йил 14 июнда берилган дубликати йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

01-02/7061 рақами билан 1993 йил 10 февралда Еремина Елена Владимировна номига берилган хонадонга эғалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

### Бу қизиқ!

Тақрибан эллик қишлоқда истиқомат қиладиган кичкина элатимизда йигирма икки хонадон боғи-ю томорқасига “аччиқ” экмайди. Аччиқ деганимиз пиёз, саримсоқ пиёз ва қалампир. Булар бизларнинг “бий” уругимизга дахлдор хонадонлар. Онам раҳматли кўшни қишлоқдан келин бўлиб тушганлар. Уларнинг оиласи ҳам “аччиқ” экмайдиганлар тоифасидан.

Эл орасида таркибида аччиқ неъмат- лар бор сабзавотларни эмаслик ирим деб талқин қилинади. Ҳатто иримни бузган хона- донлар бошига офат ёғилади, деган тушунча мавжуд. (Бу гаплар вақт ўтиб, бидъат даража- сига кўтарилганки, одамларни иримни буз- масликдан тийиб туради. Мисол учун, катта тоғамиз инилари гапига кирмай, қайсарлик қилиб пиёз эккан йили қишда ўн олти яшар ўғли бир тунда номаълум даргда чалиниб, вафот этган. Бир амакимиз иримни бузиб, пиёз эккан йили ҳали ҳосилни йиғиштириб

# Меъёр МУВОЗАНАТ ДЕГАНИ

олмасидан беш яшар қизи тасодиф молхона эшиги кулаб тушиши оқибатида тағида қолиб омонатини топширган). Аслида бу ирим эмас, балки бу минг йил- лик тажриба маҳсули. Хонлик замоналарида раиятнин озиқ-овқат маҳсулотлари билан йил давомида таъминлаб туриш мақсадида зироатчилик учун масъул амалдорлар ҳар бир қишлоқда маълум оилалар (уруғлар) қайси экин ва сабзавотлар етиштириши ёки етиштирмаслигини тақсимлашган. Масалан, айтайлик минг хонадон истиқомат қиладиган қишлоқда ўртача тўрт юз хонадонга аччиқ са- бзавотлар эмаслик буюрилган. Улар бошқа турдаги сабзавотларни экиш мажбуриятида қолишган. Бу усул билан фақат бир турдаги сабзавот кўп экилиб, бошқа турдаги сабза-

вотлар етишмовчилигининг олди олинган. Ҳозирда ҳам бу ирим анъана тусини олиб, воҳада барча турдаги сабзавотлар меъёрдан охиб кетмаслигининг олди олинади. Хива ва Янгиарик туманлари аҳолиси бошқа ту- манларга қараганда аччиқ сабзавотларни, Кўшқўпри, Шовот ёки Ҳазорасп аҳли кў- шимча томорқаларига кўпроқ сабзи, кар- тошка экишади. Натижада йил давомида бозорларда нархлар барқарорлиги мўътадил сақланиб туради. ...Бу мавзун кўтаришимга сабаб, ижти- мий тармоқларда айрим вилоятларда деҳқонлар киш бўйи асраб қўйган пиёзлар- ни сувтекинга (ва ҳатто текинга) тарка- тишга мажбур бўлишаётгани ҳақидаги хабарлар туртки берди. Демак, қаердадир



меъёр бузилган, аҳоли истеъмолдан ортик экилган сабзавотлар бозори касодга учра- ган. Бу муаммога ечимни қишлоқ хўжалиги экинлари турларини худудларга тақсимлаш орқали топиш мумкин. Қолаверса, ҳозирда юртимизнинг чет давлатларга мева, сабза- вотларни экспорт қилишлари йилдан-йилга охиб бораётгани тизим учун масъуллар зим- масига “режалаштириш сиёсати”ни тўғри тақсимлашни ҳам юклайди. Ҳар нарсада меъёр бўлиши алаоқибат мувозанаатни сақлашни унутмаслигимиз керак.

Рўзимбой ҲАСАН



## СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

# Кўп қаватли уйларнинг сейсмик мустақамлиги мониторинг қилиб борилмоқда

Юртимизда, шу жумладан, Сурхондарё вилоятида ҳам аҳолини уй-жой билан таъминлаш, турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида кўплаб замонавий уй-жойлар, уларга монанд инфратузилма объектлари барпо этилмоқда.



тўхталиб ўтсак. Кўп квартирали уй-жой фондидан техник фойдаланиш қондаларига риоя этилишини назорат қилиш йўналишида олиб борилган мониторинглар натижасида қатор қондабузарликлар аниқланди. Ўзбошимчилик билан ўзгартирилган ҳамда тўсиқ конструкциялари бузилган ҳолатлар 33 та бўлиб, уларга нисбатан 33 та кўрсатма берилган, 5 та ҳолатда жарима қўлланилган. Таянч конструкциялар бузилган ҳолатлар ҳам учта бўлиб, уларга нисбатан 3 та кўрсатма берилган, 2 та жарима қўлланилган. Бундан ташқари, туташ ер участкаларида 31 та ҳолатда ўзбошимчилик билан қурилмалар қурилган бўлиб, уларга нисбатан 31 та кўрсатма берилган, 9 та жарима қўлланилган. Умумий фойдаланишдаги жойларни



Бу жараёнда албатта, қурилатган бино ва иншоотларнинг сифатлиги, қурилиш меъёрларига қатъий амал қилингани ҳар жиҳатдан муҳимдир. Худудда қурилатган объектлар бўйича қурилиш ва шаҳарсозлик соҳасида назорат ишларини олиб бораётган Сурхондарё вилояти Қурилиш ва уй жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат инспекцияси жамоаси томонидан ҳам кенг қўламли назорат тadbирлари олиб борилмоқда. Хўш, жорий йилнинг ўтган биринчи чорагида худудий назорат инспекцияси томонидан қандай ишлар амалга оширилди? Аввало, кўп квартирали уй-жой фондидан фойдаланиш, уларни бошқариш ҳамда сейсмик ҳолатини ўрганиш йўналишларида олиб борилган мониторинг ишларига



ноқонуний тўсиб олиш ҳолатлари эса, олти-та ҳолатда кузатилиб, уларга нисбатан ҳам кўрсатмалар берилган, жарималар қўлланилган. Шунингдек, бошқарув қондаларига риоя этилиши юзасидан 11 та мониторинг ўтказилиб, 3 та камчилик аниқланган ва барчасига кўрсатмалар берилган ҳамда 3 та ҳолатда жарима қўлланилган. Иссиқлик таъминоти тизимидан фойдаланиш бўйича 79 та, хонадонларнинг ички муҳандислик тизимларини ўрганиш бўйича 104 та мониторинг ўтказилган бўлиб, иккала ҳолатда ҳам камчиликлар аниқланмаган.

– Кўп қаватли уйларнинг сейсмик мустақамлиги ва зилзилабардошлиги ҳам мониторинг қилиб борилмоқда, – дейди Сурхондарё вилояти худудий қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бошлиги ўринбосари Юсуфжон Худойбердиев. – Аини мuddатда 240 та объектнинг сейсмик ҳолати визуал ўрганилиб, “Паспортбино.ўз” платформасига киритилди. Инструментал-техник текширув талаб этиладиган уйлар бўйича ҳокимликларга хатлар чиқарилди.

Ориф ЖУМАНОВ,  
“Qishloq hayoti” мухбири.

## ISHONCH BILAN O'TGAN 20 YIL!

“Mikrokreditbank” ATB uchun bu nafaqat sana – bu siz bilan birga bosib o'tilgan yo'l, ishonch va barqaror o'sish tarixidir. 20 yil davomida minglab loyihalar, millionlab mijozlar va eng asosiysi – sizning ishonchingiz bizni oldinga yetakladi. Har bir yutuq ortida siz bor, har bir qadamda – biz birgami. Siz bilan birga bo'lganimizdan faxrlanamiz va bundan keyin ham ishonchli hamkor bo'lib qolamiz! MKBANK – 20 yil siz bilan birga!

MKBANK bilan  
20 yillik ishonch!



## Эълонлар

### “Maxam-Chirchiq” aksiyadorlik jamiyati VAKOLATLI OMBORLAR TASHKIL QILISH BO'YICHA TANLOV E'LON QILADI

“Maxam-Chirchiq” AJda ishlab chiqarilayotgan mineral o'g'itlar va boshqa mahsulotlarni vaqtinchalik saqlash bo'yicha xizmat ko'rsatish to'g'risidagi shartnomalarni tuzishda tadbirkorlik subyektlari va boshqa talabgor korxonalar o'rtasida teng raqobatbardoshlik jarayonini xolis va shaffof o'tkazilishini ta'minlash maqsadida, Sirdaryo viloyati hududida korxonalar tomonidan ishlab chiqarilgan mineral o'g'itlarni saqlashga mo'ljallangan vakolatli omborlarni tashkil etish tanlov asosida o'tkazilishini e'lon qiladi. Mineral o'g'itlarni saqlash uchun texnik va xavfsizlik talablariga to'la javob beradigan vakolatli omborlarni hamda uni tashkil etuvchi munosib talabgorlarni tanlab olish tanlov asosida, maxsus tartibga asosan amalga oshiriladi va texnik topshiriqda belgilangan shartlarga asosan tanlab olinadi. Tanlovda O'zbekiston Respublikasining qonun

hujjatlariga muvofiq tashkil etilgan, sog'lom moliyaviy faoliyatga ega bo'lgan, o'z mulkida, xo'jalik yuritishda yoki operativ boshqaruvida alohida mol-mulkka ega bo'lgan hamda o'z majburiyatlari yuzasidan ushbu mol-mulk bilan javob beradigan, mustaqil balansiga yoki smetasiga ega bo'lgan tashkilotlar qatnasha oladi. Tanlovda ishtirok etish uchun tanlov takliflari muhrlangan konvertida 2026-yil 11-may soat 18-00 ga qadar qabul qilinadi.

Tanlovda ishtirok etish uchun zarur hujjatlar va qo'yiladigan talablar haqidagi to'liq ma'lumotlar korxonaning veb-saytiga joylashtirilgan ([www.maxam-chirchiq.uz](http://www.maxam-chirchiq.uz))

**Pochta manzili:** Toshkent viloyati, Chirchiq shahri, Toshkent ko'chasi 2-uy  
**Telefon:** (99) 229-28-22, 851-10-08.  
**E-mail:** birga@maxam-chirchiq.uz

“Qishloq haёti” gazetasi taхririya-ti jamoa aъzosi Toхир Хаитовга онаси  
Забира ая ХАЙТОВАнинг  
вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

## Qishloq hayoti

### MUASSISLAR:

O'zbekiston Respublikasi  
Vazirlar Mahkamasi  
kompleksi tarkibidagi hamda  
boshqa daxldor vazirlik  
va idoralar.

Bosh muharrir:  
Chori LATIPOV

### Tahrir hay'ati:

Ibrohim ABDURAHMONOV,  
Shavkat Hamroyev, NARZULLO OBLUMURODOV,  
Eshmirza ABDUALIMOV, Habib TEMIROV,  
Raimqul SUYAROV (bosh muharrir o'rinbosari).

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan  
2009 yil 13 fevralda № 0020-raqam bilan ro'yxatdan o'tkazilgan.

Hajmi 2 bosma taboq. Ofset usulida bosildi,  
qog'oz bichimi A-2. Nashr indeksi – 144.  
Buyurtma G-517. 1320 nusxada chop etildi.

Gazeta taхririya-ti kompyuter markazida terildi va sahifalandi.  
**Sahifalovchi-dizayner:** Маркс YUSUPOV.

### Tahririyat manzili:

Toshkent viloyati Qibray tumani, Universitet ko'chasi, 2-uy.  
**Telefonlar:** +998 77-080-43-70, +998 99-050-69-45.  
**Reklama va e'lonlar** – (998 90) 317-19-16.  
**E-mail:** infoqishloqhayoti@mail.ru Bahosi kelishilgan narxda.  
Gazeta “Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.  
**Bosmaxona manzili:** “Buyuk Turon” ko'chasi, 41-uy. 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-7023



Bosishga topshirish vaqti: 21.00  
Bosishga topshirildi: 19.00